**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

НИЯЗМЕТОВ СЕВАРБЕК БАХТИЁРОВИЧ

МАҲАЛЛИЙ ГЕМОСТАТИК ЖАРОҲАТ ҚОПЛАМАСИ “ХЕМОБЕН”ДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЎПКАДАГИ ЖАРРОҲЛИК АРАЛАШУВЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2024

УЎК: 616.25-002.3-06:616.233/.25-007.253]-08-036

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ниязметов Севарбек Бахтиёрович
Маҳаллий гемостатик жароҳат қопламаси “Хемобен”дан фойдаланган ҳолда ўпкадаги жарроҳлик аралашувлари натижаларини яхшилаш йўллари……..... 3

Ниязметов Севарбек Бахтиёрович
Пути улучшения результатов оперативных вмешательств на легких с использованием отечественного гемостатического раневого покрытия “Хемобен”……..... 23

Niyazmetov Sevarbek Bakhtiyorovich
Ways to improve the results of surgical interventions on the lungs using the domestic hemostatic wound coating “Hemoben”……..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……...…….. 45

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

НИЯЗМЕТОВ СЕВАРБЕК БАХТИЁРОВИЧ

МАҲАЛЛИЙ ГЕМОСТАТИК ЖАРОҲАТ ҚОПЛАМАСИ “ХЕМОБЕН”ДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЎПКАДАГИ ЖАРРОҲЛИК АРАЛАШУВЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Tib3907 рақами билан рўйҳатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Якубов Фарход Раджабович** тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Хаялиев Рустем Якубович** тиббиёт фанлари доктори
	Мусашайхов Хусан Таджибаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «____»_____соат____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйҳатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги рақами реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов
Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Узоқ муддат давомида ҳаво чиқиши ўпкадаги жарроҳлик аралашувидан кейинги энг кўп учрайдиган асоратлардан биридир. «Бу касалликнинг кучайиши, ҳаёт сифатининг пастлиги, шифохонада узоқроқ ўрин кунлари ва госпитализация ҳаражатларининг баландлиги билан боғлиқ»[1]. Ўпкадаги жарроҳлик аралашув пайтида интраоперацион ҳаво йўқотилиши беморларнинг 25-75 фоизида, ташрихдан кейинги доимий ҳаво йўқотилиши (>5 кун) беморларнинг 8-20 фоизида учрайди. Кўрсаткичлар баланд частотада бўлишига қарамасдан, ҳаво чиқишини, шу жумладан узоқ муддатли жараённи бартараф этиш учун ҳали ҳам стандарт ёндашув мавжуд эмас. Кузатиш, узлуксиз ёки вақти-вақти билан аспирация, турли воситалар билан суспензия плевродези ёки хирургик ревизия каби турли усуллар тез-тез қўлланилади, ҳар бир ёндашув ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Натижада бир усулни бошқасидан танлаш жарроҳнинг устунликларига асосланади. Ташрихдан кейинги асоратларнинг хилма-хиллиги ва частотаси кўкрак қафаси хирургиясининг сўнгги ютуқлари билан ўзгарди. Бироқ, кам инвазив технологияларни кенг жорий этиш билан ҳам, скобалар билан тикишдан кейин, шунингдек, паст коагуляцияга мойиллик ва ташрих жараёнидаги жароҳатлар сабабли 5-7% ҳолатда қон кетиши мумкин. Операциядан кейинги асоратларни олиб бориш ва даволашга нисбатан умумий консенсус йўқлиги сабабли, кўпчилик жарроҳлар операция ичидаги профилактикага кўпроқ ҳаракат қилиш кераклигига кўникишган, шунинг учун ўпканинг катта резекцияси охирида ҳаво чиқиши ёки паренхимадан қон кетиши аниқланганда, доимий ёрдам қайта тикишни ва хирургик герметиклардан фойдаланишни ўз ичига олади. «Суюқ фибринли герметик, синтетик гидрогеллар ва коллаген толаларига асосланган герметик моддалар»[2] энг кўп фойдаланилади. Шу муносабат билан, аэро - ва гемостазнинг янги усулларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ клиник тадқиқотлар торакал хирургияда энг долзарб ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ҳозирга вақтда қон кетиш белгиларини танлаш учун кўп ўлчовли логистик регрессия усулидан фойдаланиб, мураккаб гемостазнинг прогностик моделини ишлаб чиқиш, аэростазнинг қўшимча хусусиятларига эга янги гемостатик материаллардан фойдаланган ҳолда хавфсиз ва самарали торакоскопик гемостазни излашга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, имплантациядан кейин ўпка тўқималарининг ҳолатига турли хил хирургик герметиклар турли шаклларининг таъсирини, уларнинг биологик парчаланиш қобилиятини ва шунга мос равишда маҳаллий яллиғланиш ўзгаришларини қўзғатиш имкониятини баҳолаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

---

[1]Porrello C, Iadicola D, Grutta EM, Palazzolo M, Vaglica A, Tomasello G, Cocorullo G. Routinary use of fibrin sealants to prevent prolonged air leak in thoracic surgery: our experience. G Chir. 2019 May-Jun;40(3):170-173.

[2]Sassorossi C, Congedo MT, et al. Reducing Post-Operative Alveolo-Pleural Fistula by Applying PGA-Sheets (Neoveil) after Major Lung Resection: A Historical Case-Control Study. J Clin Med. 2023 Apr 5;12(7):2719. doi: 10.3390/jcm12072719.

Маҳаллий соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари замонавий интенсив терапия тамойиллари ва хирургик тактикани жорий этиш орқали жарроҳлик даволашга муҳтож йирингли-деструктив ва онкологик ўпка касалликлари билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган[3]. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан тактик ва техник ёндашувларни ва ўпкани резекция қилишнинг жорий технологияларини мақбуллаштириш, шунингдек операциядан кейинги асоратларнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли торакал хирургия ва умуман тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда торакал хирургия уйғонишни бошдан кечирди ва 2000-йилларнинг бошидан бери бу ҳолатлар сони ортиб бормоқда. Жарроҳлик резекциясига кўпроқ эътибор қаратилиб, ўпка саратонини қандай даволашда парадигма силжиши кузатилди, бу кам инвазив видеоассистент торакал хирургия усули билан осонлаштирилди. Натижада, операциядан кейинги топилмалар ва асоратларнинг тарқалиши ҳам ошди[4]. Операциядан кейинги интраплеврал қон кетиш баъзида торакотомия ёки стренотомия орқали кўкс оралиғидаги операция билан ўпка резекциясдан кейин бўлимдаги палатада бўлганида ташхис қилинади. Гемоторакс туфайли геморрагик шок ривожланиши, ўз навбатида, қон кетиш ва гемостазни баҳолаш учун такрорий текширув талаб

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

[4]Thorpe A, Rodrigues J, Kavanagh J, Batchelor T, Lyen S. Postoperative complications of pulmonary resection. Clin Radiol. 2020 Nov;75(11):876.e1-876.e15. doi: 10.1016/j.crad.2020.05.006.

қилиниши мумкин. Операциядан кейинги қон кетиши бўлган беморларда такрорий операциялар частотаси 1-3% ни ташкил қилади[5]. Қоида тариқасида, VATSни бажаришда гемостаз кўпинча қийин ва хавфли бўлиб, биполяр герметизация мосламаларининг потенциал роли ҳали аниқ аниқланмаган. VATS хирургиясига эндостеплерни тадбиқ этилиши хавфсиз торакоскопик ўпка резекциясини бажаришга имкон берди. Бошқа тарафдан жарроҳлик аралашув мобайнида қон кетишини камайтириш учун диатермиянинг бир нечта усулини таклифи бўлган[6]. LigaSure томирларни герметизация тизими биполяр радиочастотали энергияси ва тўқима ёки томирлар ўзанидаги коллаген ва эластинни денатурация қилиш учун аниқ босим натижасида ҳосил бўлган иссиқликни бирлаштиради[7]. Ушбу оқсиллар тўқима ёки томирни боғлайдиган эримайдиган гел ҳосил қилиш билан қайтадан парчаланади. LigaSure (Covidien, США) томирларни герметизация тизими LigaSure генератори ва Force Triad генератори билан ҳам мос келади. Тўқималарга таъсирни оптималлаштирадиган герметизация алгоритмига эга LigaSure томирлар герметизацияси учун Force Triad генератори монополяр, биполяр ва U шаклидаги кўринишга эга. Генераторлар тўқиманинг импедансини аниқлайди ва мукаммал мустаҳкамланишга эришиш учун зарур бўлган тўғри энергия миқдорини белгилайди. Aquamantys® тизими (Medtronic, АҚШ) - бу физиологик эритма билан суғориладиган учликли ва ўрнатилган насосли радиочастотали энергия генератори тизимига эга портатив бир марталик қурилмадир. Радиочастота энергияси ва физиологик эритманинг комбинацияси тўқималарнинг кўмирга айланмасдан ёки карбонизациясиз гемостатик герметизациясини ёки таъминлайди. Торакал хирургияда Aquamantys® тизимидан фойдаланиш бўйича адабиётларда маълумотлар чекланган ва ўпка тўқимасини герметизациясида самарасиз бўлган кам қувват сарфлайдиган қурилманинг эски моделларига асосланган[8].

Аэрогемостазнинг бошқа йўналиши – бу биомослашувчан имплантнинг қўлланишидир. Полигликолик кислотадан тўр варағи (Neoveil™) операциядан кейин ҳаво ёки суюқлик чиқишини олдини оладиган тўқималарни мустаҳкамлайдиган тикловчи восита ҳисобланади. Ўпка хирургиясида Неовейл лобэктомиядан кейинги бронхиал чўлтоқ оқмаларини даволаш ёки буллаларни қоплаш ва пневмотораснинг қайталанишини камайтириш учун муваффақиятли ишлатилган. Яқинда Miyahara ва ҳаммуаллифлар бирламчи пневмоторакс бўйича буллэктомиядан кейинги рецидив частотасини камайтиришда унинг самарадорлиги ҳақида хабар берган. Висцерал плеврани қоплаш учун ишлатиладиган Neoveil варағи

[5]Maniwa Y. [Postoperative Intrathoracic Hemorrhage;Perioperative Prevention and Management]. Kyobu Geka. 2017 Jul;70(8):688-691. Japanese.

[6]United Network for Organ Sharing Transplant trends.https://trans-plantpro.org/technology/transplant-trends/#waitlists_by_organ. Accessed December 13, 2017.

[7]Gabryel P, Roszak M, Skrzypczak P, Gabryel A, Zielińska D, Sielewicz M, Campisi A, Kasprzyk M, Piwkowski C. Identification of Factors Related to the Quality of Lymphadenectomy for Lung Cancer: Secondary Analysis of Prospective Randomized Trial Data. J Clin Med. 2023 May 31;12(11):3780. doi: 10.3390/jcm12113780.

[8]Caruana EJ, Kadlec J, Iyer S, et al. The Aquamantys(®) system improves haemostasis and pneumostasis in open decortication for thoracic empyema. *J Thorac Dis* 2016;8:1540-5. 10.21037/jtd.2016.06.03

билан буллэктомия пайтида улар Neoveil гуруҳида қайталаниш частотаси сезиларли паст бўлган (24,8% га қарши 2,6%, p<0,000001)[9]. Yu W (2020) радикал ўпка саратони жарроҳлик аралашувида сўриладиган регенерацияланган оксидланган целлюлозадан фойдаланиш яхши гемостатик таъсирга эга ва лимфа тугунлари диссекциясидан кейин жароҳат гемостазига мос келади, деб ҳисоблайди[10]. Kalverkamp S. ва бошқалар (2021) шунингдек, торакал резекция пайтида тўлиқ гемостаз ва аэростаз устуворлигига ишонади. Улар янги VIVO тиббий елимини (Adhesys Medical GmbH Aachen, Германия) ўрганиб чиқдилар ва уни мунтазам жарроҳлик муолажаларига ишончли алтернатив деб топдилар. VIVO паренхимал ўпка жароҳатларининг етарли даражада ёпилишини таъминлайди. Янги елим TachoSil® ёки жарроҳлик ипларига қараганда камроқ доимий ҳаво чиқиши билан сезиларли даражада яхши герметизацияни таъминлайди[11]. Технологиялар ва тиббиёт инновациялари соҳасидаги ютуқларнинг доимий ёндашуви туфайли турли хил янги тиббий асбоб ишлаб чиқарилган. Тиббий асбоблар тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ, бундай тиббий асбоблар одамларда синовдан олдин in vitro ва in vivo тарзда эҳтиёткорлик билан тавсифланиши керак. Сўнгги йилларда турли хил жарроҳлик елимли моддалар, герметиклар ёки гемостатик воситалар аллақачон ишлаб чиқилган ва сотилган. Одатда фибрин асосидаги ёки цианоакрилат асосидаги вариантлардан фойдаланилади. Бироқ, уларнинг энг чекловчи камчиликлари мос равишда нам муҳитда ёпишқоқлик кучи ва цитотоксиклигидир. Юқоридаги талабларга эришиш учун полиуретан (ПУ) асосидаги елим ишлаб чиқилган. У иккита компонентдан иборат: иккинчи компонент сифатида амин асосидаги қаттиқлаштирувчи туфайли тез полимерланадиган поли(эфир)уретана асосидаги форполимера[12].

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўпка операцияси пайтида аэро - ва гемостазни яхшилаш масалалари ўзининг тўхтамидан узоқда. In vitro моделларнинг доимий яхшиланиши ва долзарблиги ошиши билан, шунингдек, ҳайвонларни синаш натижаларининг кўчирилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, тиббий асбобларни синовдан ўтказиш парадигмаси аста-секин соддалаштирилган in vitro тестларидан биологик аҳамиятга эга in vitro тестларига ўтиши керак. Хавфнинг қийматига асосланган ёндашув аосисда тиббий асбобнинг деградация кинетикаси ва маҳаллий тўқималарнинг реакцияси мақсадли фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тўғридан-тўғри клиник аҳамиятга эга

[9]Miyahara E., Ueda D., Kawasaki Y., Ojima Y., Kimura A., Okumichi T. Polyglycolic acid mesh for preventing post-thoracoscopic bullectomy recurrence. *Surg. Today.*2021;51:971–977. doi:10.1007/s00595-020-02191-4.

[10]Yu W, Xu J, Sheng H, Cao J, Wang Z, Lv W, Hu J. [Clinical Evaluation of Absorbable Regenerated Oxidized Cellulose in Lung Cancer Surgery]. Zhongguo Fei Ai Za Zhi. 2020 Jun 20;23(6):492-495. Chinese. doi: 10.3779/j.issn.1009-3419.2020.101.10.

[11]Kalverkamp S, Mantas A, Spillner J, Hima F, Kanzler SS, Stopinski T, Tolba RH, Zayat R. Efficacy of a Novel Medical Adhesive for Sealing Lung Parenchyma: An in vitro Study in Rabbit Lungs. Eur Surg Res. 2021;62(4):255-261. doi: 10.1159/000517173.

[12]Bremer L, Hagemeister K, Moss M, Ernst L, Tolba RH, Jockenhoevel S, Apel C. Long-Term Degradation Assessment of a Polyurethane-Based Surgical Adhesive-Assessment and Critical Consideration of Preclinical In Vitro and In Vivo Testing. J Funct Biomater. 2023 Mar 21;14(3):168. doi: 10.3390/jfb14030168.

жойда баҳоланиши керак. Шу муносабат билан аэрогемостаз хусусиятларига эга мақбул биологик мос келувчи имплантларни аниқлаш учун мақсадли тадқиқотлар ўтказиш керак.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011800230-сон «Одам хирургик касалликларини ташхислаш ва даволашга янгича ёндашувлар» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади аэро- ва гемостаз етишмовчилиги ривожланишини олдини олишнинг тактик жиҳатларни такомиллаштириш орқали ўпкадаги резекцион аралашувлар натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шикастланган ўпка тўқимасига турли хил қопламалар қўлланилганда битишнинг ҳамда аэро - ва гемостаз таъминланишининг хусусиятларини тажрибада тадқиқ қилиш;

ўпка тўқимасининг резекция қилинган юзаси билан Хемобен гемостатик воситасининг ўзаро таъсирининг морфологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

аэро- ва гемостаз сифатини яхшилаш учун ўпканинг резекция соҳасини мустаҳкамлаш усулини ишлаб чиқиш;

ўпка қирғоқли резекциясининг асосий босқичи бажарилганидан сўнг интраоперацион аэро- ва гемостаз етишмовчилиги частотасини аниқлаш;

ўпканинг резекцияланган тўқимасини герметизация қилишнинг янги усулини қўллашнинг интероперацион самарадорлигини баҳолаш;

ўпка хирургиясида аэро- ва гемостаз сифатини яхшилашнинг таклиф қилинган усулининг клиник афзаллигини қиёсий жиҳатдан аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-йилдан 2023-йилнинг май ойигача бўлган даврда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва “Surge Med” хусусий клиникасининг (Урганч ш.) хирургия бўлимларида ўпка касалликлари туфайли даволанган 122 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўпка резекциясида аэро- ва гемостазга эришиш мақсадида герметизациянинг такомиллаштирилган тактик ва техник жиҳатлари самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, экспериментал, морфологик, токсикологик, микробиологик ва статистик тадқиқот усуллари тадқиқот қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гемостатик воситани маҳаллий қўллаш билан герметик қоплама шакллантириш ва кейин плевранинг париетал варағига фиксация қилиш орқали ўпка тўқимасининг резекция қилинган соҳасини икки компонентли мустаҳкамлашни назарда тутувчи аэро - ва гемостаз бузилишлари ривожланишини олдини олиш усули такомиллаштирилган;

нам муҳит шароитида гемостатик қоплама ўз хусусиятларини йўқотиши ва узоқ муддатли барқарор аэростазни таъминлай олмаслиги, бунда

«Хемобен» кукунининг юқори адгезивлиги ҳам герметикликни ҳосил қилишга, ҳам шикастланган ўпка тўқимаси соҳасини изоляция қилиш учун париетал плевранинг бир қисмини яра юзасига мустаҳкам маҳкамлашга имкон бериши ex vivo тажрибада аниқланган;

ўпка жароҳати соҳасидаги шикастланган тўқиманинг қайта қурилиши тажрибанинг 3-7 кунида альвеолалар фаолиятининг тикланиши ҳамда аэростазнинг морфологик белгилари билан тавсифланиши, шикастланган алвеолалар бўшлиқларида гомоген массаларнинг аниқланиши эса турғун гемостаз белгиси эканлиги исботланган;

аэростазнинг янги усули гемостаз билан бирга ўпка жароҳати нуқсонини тез битишига ёрдам бериши, плевра бўшлиғида шварта ва битишмалар ҳосил бўлиши эҳтимолини камайтириши, шунингдек, ўпка тўқимасининг функционал қобилиятини тикланишини таъминлаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўпка жароҳатининг экспериментал моделида «Хемобен» воситасини қўллаш ҳамда ушбу соҳага париетал плевранинг эркин лаҳтагини маҳкамлаш турғун гемо- ва аэростазни таъминлаши, шу билан бирга нам муҳит шароитида бу хусусиятларнинг йўқолишига олиб келмаслиги, шунингдек, қопламанинг эластиклиги ҳисобига ўпка тўқимасини деформация қилмаслиги аниқланган;

ўпкадаги жароҳати юзасидаги «Хемобен» кукунининг полимеризацияси қисқа вақт ичида содир бўлиши, етарлича кучли адгезия ва аэростаз билан тавсифланиши, плевра эркин лахтагининг фиксацияси эса қопламанинг элакстиклигини ҳамда битишма жараёни ривожланишини олдини олиш билан узоқ муддатли таъсирни таъминлаши аниқланган;

гемостатик воситани қўллаш ҳисобига аэро - ва гемостаз бузилишлари ривожланишини олдини олишнинг тавсия этилган усули резекция қилинган ўпка тўқимаси юзасининг барқарор герметиклигини таъминлаши, ушбу соҳага париетал плевранинг фиксацияси эса, унинг қўшимча равишда мустаҳкамланишига ёрдам бериши клиник амалиётда исботланган;

тавсия этилган усул ўпкадаги резекцион ташрихлардан кейин асоратлар ривожланиши хавфини сезиларли даражада камайтиришга, шу жумладан аэро - ва гемостаз етишмовчилигини, қайта очиқ ёки кам инвазив аралашувларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек дренажлаш муддатларини ҳамда ташрихдан кейинги госпитал реабилитация давомийлигини қисқартиришга имкон бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташҳислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, шикастланган альвеолалар бўшлиғида гомоген массалар бўлиши билан намоён бўладиган аэростаз белгили шикастланган соҳадаги ўпка тўқималарининг морфологик тузилишини

аниқлаштиришга ҳамда герметик қатлам шакллантириш орқали икки компонентли мустаҳкамлашда резекция қилинган ўпка тўқимаси соҳасидаги ўзгаришларни аниқлашга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган таҳлил ўпка жароҳатининг экспериментал моделида «Хемобен» воситасини қўллаш ҳамда ушбу соҳага париетал плевранинг эркин лаҳтагини маҳкамлаш турғун гемо- ва аэростазни таъминлашини аниқлашга, ўпкадаги резекцион ташрихлардан кейин асоратлар, шу жумладан аэро - ва гемостаз етишмовчилигини ривожланиши хавфини камайтиришга, қайта очиқ ёки кам инвазив аралашувларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек дренажлаш муддатларини ҳамда ташрихдан кейинги госпитал реабилитация давомийлигини қисқартиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 9 апрелдаги 04/094-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига ТМА Урганч филиалининг 2023 йил 30 октябрдаги 115-сон хати тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: герметик қоплама ҳосил бўлиши билан гемостатик воситани маҳаллий қўллаш, ўз навбатида, унга плевранинг париетал варағини фиксация қилиш орқали резекция қилинган ўпка тўқималари майдонини икки компонентли мустаҳкамлашни таъминлайдиган аэро - ва гемостаз бузилиши ривожланишининг олдини олиш усули такомиллаштирилганлиги (2023 йил 24 майдаги IAP 07416-сонли ихтиро учун патент) Хоразм вилоят ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасида 2023 йил 30 октябрдаги 114-сонли буйруқ билан, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмасида 2023 йил 5 ноябрдаги 96-к-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аэро - ва гемостаз бузилишларини олдини олишнинг такомиллаштирилган усулидан фойдаланиш ўпкасида резекцион амалиётлар ўтказилган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўпка резекцияси ўтказилган беморларда аэростаз ва гемостаз бўйича етишмовчилик кузатилганда ўпка тўқимасини қўшимча мустаҳкамлаш орқали ушбу асоратлар тўхтатилган. Шуни таъкидлаш керакки, 7 ҳолатда гемостазга эришиш учун 5х7,5 см ҳажмдаги Surgicel (Ethicon) гемостатик материаллари қўлланилган. Ушбу маблағдан фарқли ўлароқ, 1 қадоқ маҳаллий Хемобен препаратининг (1,0 г) нархи 40 000 сўмни ташкил қилади, резекция соҳасини қоплаш учун эса 1-3 қадоқ талаб қилинади. Хулоса: янги жарроҳлик амалиётининг жорий қилиниши бир нафар бемор учун бюджет маблағларини 120 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 400 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: нам муҳит шароитида гемостатик қоплама ўз хусусиятларини йўқотиши ва узоқ муддатли барқарор аэростазни таъминлай олмаслиги, бунда «Хемобен» кукунининг юқори адгезивлиги ҳам

герметикликни ҳосил қилишга, ҳам шикастланган ўпка тўқимаси соҳасини изоляция қилиш учун париетал плевранинг бир қисмини яра юзасига мустаҳкам маҳкамлашга имкон бериши ex vivo тажрибада аниқланганлиги Хоразм вилоят ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасида 2023 йил 30 октябрдаги 114-сонли буйруқ билан, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмасида 2023 йил 5 ноябрдаги 96-к-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жарроҳлик даволаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва хатолар сонини минималлаштиради; асоратларнинг частотасини камайтириш орқали беморлар операциядан кейинги реабилитация тез амалга ошади ва фаол ижтимоий ва меҳнат фаолиятига қайтаради; ушбу касалликка чалинган аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: касалликни келтириб чиқарувчи омилларнинг аниқланишига кўра 1 нафар бемор учун 4 200 000 сўм иқтисод қилинди (ҳар хил ўпка жарроҳлик амалиётлари пайтида касаллик ривожланишини олдини олади, бу эса йилига умумий беморларнинг 20% (24 дан 8 беморлар) ўпка оқмали беморлар госпитализациясини ва даволашни камайтиради ва беморлар умумий харажатларини 33 600 000 (8 нафар бемор учун) сўмга иқтисод қилади). Хулоса: янги жарроҳлик амалиётининг жорий қилиниши бир нафар бемор ҳисобидан бюджет маблағларини 21 000 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 12 600 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: ўпка жароҳати соҳасидаги шикастланган тўқиманинг қайта қурилиши тажрибанинг 3-7 кунида альвеолалар фаолиятининг тикланиши ҳамда аэростазнинг морфологик белгилари билан тавсифланиши, шикастланган алвеолалар бўшлиқларида гомоген массаларнинг аниқланиши эса турғун гемостаз белгиси эканлиги исботланганлиги Хоразм вилоят ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасида 2023 йил 30 октябрдаги 114-сонли буйруқ билан, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмасида 2023 йил 5 ноябрдаги 96-к-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1. Операциядан кейинги асоратлар ривожланишининг олдини олиш чораларини белгилайди; 2. Операциядан кейинги асоратларни бартараф этиш усулларини оптималлаштиради; 3. Ушбу операциялардан кейин беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун ўпка резекцияси амалиётидан кейин оқмаларнинг ҳосил бўлиши аэро- ва гемостаз билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқилган жарроҳлик амалиёти беморларнинг амалиётдан кейинги касалхонадан ташқари реабилитацияси ва даволаш харажатларининг қуйидагича иқтисод бўлишига олиб келди, қуйидагича: қайта кўрик – 98 000 сўм; ўпкани рентгенографияси – 120 000 сўм; жароҳатни боғлов харажатлари – 39 000 сўм; дори- дармонлар харажати – 50 000 сўм (умумий иқтисодий самарадорлик 1 бемор учун 243 000 сўм ташкил қилди, йиллик қайталанган

беморлар сони 3, умумий иқтисодий самарадолик эса 729 000 сўмни ташкил қилди). Хулоса: янги жарроҳлик амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 586 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 343 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

тўртинчи илмий янгилик: аэростазнинг янги усули гемостаз билан бирга ўпка жароҳати нуқсонини тез битишига ёрдам бериши, плевра бўшлиғида шварта ва битишмалар ҳосил бўлиши эҳтимолини камайтириши, шунингдек, ўпка тўқимасининг функционал қобилиятини тикланишини таъминлаши аниқланганлиги Хоразм вилоят ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасида 2023 йил 30 октябрдаги 114-сонли буйруқ билан, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмасида 2023 йил 5 ноябрдаги 96-к-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жарроҳлик операциясининг кириш ва техник жиҳатларини оптималлаштириш орқали ўпкада барқарор аэро- ва гемостазга эришиш билан беморларни даволаш натижаларини яхшилайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий кўрсаткич: 1. беморнинг шифохонада қолиш муддатини 7,7 кундан 6,7 кунга (1 кунга) қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдорини 250 минг сўмга камайтирди (прейскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 250 минг сўмни ташкил қилади); 2. шифохонада бўлиш даврининг 1 кунга қисқартирилиши ҳисобига 260 минг сўмлик дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 260 минг сўм дори воситалари сарфланади); 3. шифохонада бўлиш даврининг 1 кунга қисқартирилиши ҳисобига 87 минг сўмлик боғланмалар кам талаб этилади (1 кунга ўртача 87 минг сўм боғланмалар сарфланади). Юқоридагиларга кўра жами йиллик иқтисодий самарадорлик 25 671 000 сўмни ташкил этади (43 та операция бўйича 597000*43= 25 671 000 сўмни ташкил этади (реабилитация харажатларини камайтириш ҳисобига; бюджет маблағларини 9 565 000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 4 235 000 сўм). Хулоса: янги жарроҳлик амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 8 451 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 8 678 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисми, унинг долзарблиги ва заруриятига асосланади, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилади, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилади, иш натижаларининг апробация қилиш ва нашр этиш, диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумот берилади

Диссертациянинг **«Ўпка резекциясидан сўнг жарроҳлик аралашувдан кейинги ҳаво чиқишини ташрих мобайнидаги профилактикаси ва консерватив даволаш»** номли биринчи бобида аэростаз етишмовчилиги ривожланишининг частотаси ва хавф омиллари масалаларини акс эттирувчи, ҳаво чиқиши пайдо бўлишига мойиллик туғдирувчи омилларнинг баҳолаш мезонлари, шунингдек, узоқ муддатли ҳаво чиқишини даволашда плевра бўшлиғидаги турли тизимли найчалаш кўрсатилган 6 кичик бобдан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган. Тикувчи аппаратлардан фойдалангандан кейин ҳаво чиқиши пайдо бўлиш частотасини таҳлил қилиш, тажрибада аэростазнинг турли усулларини ўрганиш ва аэростаз етишмовчилигининг олдини олишда замонавий герметизация воситаларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар батафсил ёритилган. Хулоса қўшимча тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалаларни ўз ичига олади.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг хусусиятлари, экспериментал-морфологик ва диагностик тадқиқот усуллари»** номли иккинчи бобида барча қўлланиладиган клиник ва экспериментал материаллар батафсил тавсифланган. Диссертация тадқиқотлари икки қисмга бўлинган. Тадқиқотнинг клиник қисми 2019 йилдан 2023 йил май ойигача операция қилинган беморлар ўртасида ўтказилди, материал Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида тўпланди. Резекцион аралашувлар бажарилган ўпканинг турли хил яхши сифатли патологиялари бўлган жами 122 бемор бор бўлган. Асосий гуруҳда маҳаллий гемостатик Хемобен моддасини қўллаш билан таклиф қилинган усулда турғун аэро - ва гемостазга эришиш учун ўпкадаги операциянинг резекцион босқичидан сўнгги 58 (2022-2023 йй.) нафар бемор бўлди. Таққослаш гуруҳига жинси, ёши, патологияси ва бошқа объектив мезонлари бўйича таққосланадиган 64 нафар бемор (2019-2021 йй.) кирди ва аэро - ва гемостазга эса анъанавий жарроҳлик усуллари билан эришилди.

Эркаклар ва аёлларнинг нисбати деярли тенг бўлган. Ёш жиҳатдан беморларнинг энг кўп 20-44 ёшда, таққослаш гуруҳида 38 (59,4%) ва асосий гуруҳда 32 (55,2%) нафар, мос равишда 19 (29,7%) ва 17 (29,3%) нафар 45-59 ёшдаги кишиларда. Иккала гуруҳда ҳам кўп ҳолларда ўпканинг қирғоқли резекциясини келтириб чиқарган этиологик касалликлар орасида эхинококкоз бор эди – таққослаш гуруҳида 38 (59,4%) ва асосий гуруҳда 34 (58,6%) ҳолат. Буллез касаллик 16 (25%) ва 15 (25,9%) ҳолатда, мос равишда бронхоэктатик касаллик – 5 (7,8%) ва 5 (8,6%), шунингдек, ўпка абсцесси беморларнинг 5 (7,8%) ва 4 (6,9%) нафарида қайд этилди. Барча беморлар режали равишда жарроҳлик амалиётини ўтказган.

Эксперимental тадқиқотлар академик «В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида 2022 йил апрелдан августгача бўлган даврда ўтказилди ва учта серияни ўз ичига олди: нам муҳитдаги шароитда қопламаларнинг ёпишиш даражасини баҳолаш учун in vitro; қўйларнинг ажратилган ўпкасидан аэростазга эришиш жароҳат қопламасининг самрадорлигини аниқлаш учун ex vivo; ин виво, лаборатория каламушларида ўтказилган тажрибада биологик тўқималарнинг реакциясини ва ўпка яраларини даволашни ўрганиш учун in vivo. 3 турдаги қопламалар ишлатилган: шприц ёрдамида суюқ шаклдаги биологик елим (цианкрилат асосида). Коллаген губка («Turon Silk Pharm» МЧЖ) ўлчами 4х4 см. Целлюлоза ҳосилаларидан кукун шаклидаги гемостатик имплантат «Хемобен».

Имплантларнинг хусусиятларини баҳолаш учун in vitro шароитида адгезивлик ва зичлик каби физик ва кимёвий мезонлар ўрганилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, энг катта ёпишқоқлик биологик елим (0 дақиқа – 0,27±0,024; 60 дақиқа – 0,49±0,076 Н/см^2; P<0,05) ҳолатида, энг кам эса коллаген губканинг (0 дақиқа – 0,088±0,0029; 60 дақиқа – 0,04±0,0056 Н/см^2; p<0.01) қопламаси билан. «Хемобен» оралиқ позицияни эгаллади (0 дақиқа – 0,22±0,01; 60 дақиқа – 0,087±0,04 Н/см^2; p<0.05). Шуни таъкидлаш керакки, физиологик эритмада қопламанинг мавжудлиги ёпишқоқлик кучини сезиларли даражада камайтирди. Ёпишқоқликни камайтириш даражаси коллаген ҳолатида (2 баравар) ва ёпишқоқ қопламада энг паст (20% дан кам).

Қуйидаги тадқиқот натижаларига кўра, энг юқори зичликка эга биологик елим – 1,74 мг/см^3, «Хемобен» – 0,74 мг/см^3 ва энг паст эса коллаген – 0,34 мг/см^3. Демак, адгезивликнинг энг юқори зичлиги етарли даражада ёпишиш билан шикастланган ўпка тўқимасидан ҳаво босимига максимал қаршилик кўрсатиши мумкин деб тахмин қилиш керак. Шу билан бирга, юқори зичлик қопламанинг камроқ эластиклигини ва қалин қатламли катта юзага қўлланилганда етарли оғирликни назарда тутади.

Диссертациянинг «**Аэростаз учун жароҳат қопламаларининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш - экспериментал морфологик ўрганиш»** номли учинчи бобида турли шароитларда имплантат хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ex vivo модели учун ҳароратни, суюқлик айланишини (бу ҳолатда физиологик эритма) ва ўпканинг вентиляциясини бошқариш қобилиятига эга бўлган изоляция қилинган ўпка ва трахея жойлаштирилган камера ишлатилган. Виссерал плевра юзасида имплантат билан қопланган махсус техника ёрдамида думалоқ нуқсон ҳосил бўлади, шундан сўнг трахеяга ҳаво қуйилади.

Биологик елим 4 та ҳолатдан 3 тасида қисқа муддатли кузатув остида стандарт нафас олиш босимига бардош берди. Узоқ муддатли кузатувдан сўнг ўпка жароҳатининг герметизми 4 ҳолатдан 2 тасида изчил бўлиб чиқди. 2 ҳолатда ҳаво олиш ўпка юзасидан елимнинг тозаланиши туфайли содир бўлган. Ёпишқоқ қопламадан фойдаланганда ўпканинг деформацияси деярли барча ҳолатларда содир бўлган. Қисқа муддатли кузатув пайтида «Хемобен» қатлами 4 та ҳолатдан 3 тасида ҳаво босимига бардош берди. Узоқ муддатли

кузатув пайтида 10 дақиқалик кузатувдан бошлаб ҳаво олиш кузатилди ва 30 дақиқалик даврда герметизмга ҳеч қандай ҳолатда эришилмади. Шу билан бирга, унинг эгилувчанлиги туфайли қатлам ўпка юзасининг чўзилишига тўсқинлик қилмади ва унинг деформациясига олиб келмади. Коллаген юпқақатлами ўпка тўқималарининг сиқилишини фақат 15 дақиқалик кузатув давомида сақлаб турди. Кейинчалик коллаген юпқа пардаси нафас олиш ҳаракатлари пайтида жароҳат юзасидан сирпанди ва силжиди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўпка паренхимасидан аэростаз учун қопламалар самарадорлигининг қиёсий натижалари

Мезонлар	«Хемобен» қопламаси	Коллаген қопламаси	Елим қопламаси
